

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

а н и қ л а д и :

Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судининг
2025 йил 29 июлдаги ҳукмига кўра:

далолатномаси нусхасини 2025 йил 24 июль куни олган,
Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан 2 йил 6 ой
озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жазони манзил колонияларида ўташ белгиланиб, жазони ўташ муддати
2025 йил 29 июль кунидан бошлаб ҳисобланган.

га нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш
ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилиниб, у дарҳол суд залида қамоққа
олинган.

Ашёвий далил деб эътироф этилган ва вақтинчалик сақлаб туриш учун
Ўзбекистон Республикаси ДХХнинг МТХБ ашёвий далилларни сақлаш
омборига топширилган 220 туп ҳўл ҳолдаги опийли кўкнори ўсимлиги ҳукм
қонуний кучга кирганидан сўнг тегишли тартибда йўқ қилиниши белгиланган.



Суднинг ҳукмига кўра, [REDACTED] 2025 йил апрель ойининг бошларида жиноят содир этиш йўлига кириб, яшаш хонадони томорқа қисмидаги иссиқхона ичига ўзида бўлган опийли кўкнори гиёҳвандлик ўсимлиги уруғларини экиб, ўсиб чиққан 220 туп кўкнори гиёҳвандлик ўсимлигига агротехник ишлов бериб, келгусида ўзининг истеъмоли учун мунтазам равишда парваришлаб келган.

Бундан хабар топган Янгийўл тумани ИИБ ходимлари томонидан тезкор қидирув тадбирини ўтказиш жараёнида Янгийўл тумани ИИБ бошлиғининг “Турар жойларни ва бошқа жойлар, бинолар, иншоатларни, жойларнинг участкаларини ва транспорт воситасини текшириш тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш” ҳақидаги қарорига асосан 2025 йил 15 май куни соат 18:00 ларда [REDACTED]нинг Янгийўл тумани, Қўшғоч МФЙ, Устозлар кўчаси, 66-уй яшаш хонадони ва ёрдамчи хўжаликлари икки нафар холислар иштирокида кўздан кечирилганда унинг яшаш хонадони томорқа қисмидаги иссиқхона ичида жами 220 туп опийли кўкнори гиёҳвандлик ўсимлиги керакли агротехник ишлов бериш йўли билан парваришланган ҳолда ўстирилаётганлиги аниқланиб, холислар иштирокида тегишли тартибда баённома асосида расмийлаштирилиб олинган.

Янгийўл тумани қишлоқ хўжалиги бўлими мутахассисининг хулосасига асосан [REDACTED]нинг яшаш хонадонидан аниқланган 220 туп кўкнори гиёҳвандлик ўсимлигига ўхшаш ўсимликларнинг таги чопилиб, сув қуйилиб, агротехник ишлов берилиб, парвариш қилинган ҳолда ўстирилаётганлиги кўрсатилган.

Судга оид кимёвий экспертизасининг 2025 йил 17 майдаги 1064-сонли хулосасига кўра, [REDACTED]нинг хонадонидан олинган оқ рангли полимер қоп ичидаги 71 дона ўсимлик туплари – танаси, барглари, илдизлари, бошоқлари ва кўсаклардан ташкил топган ҳўл ҳолдаги опийли кўкнори ўсимлиги туплари, опийли кўкнори ўсимлиги тупларидаги бошоқларида опий гуруҳига кирувчи фаол гиёҳванд модда-морфин аниқланган.

Судга оид кимёвий экспертизасининг 2025 йил 17 майдаги 1065-сонли хулосасига кўра, [REDACTED]нинг хонадонидан олинган оқ рангли полимер қоп ичидаги 64 дона ўсимлик туплари – танаси, барглари, илдизлари, бошоқлари ва кўсаклардан ташкил топган ҳўл ҳолдаги опийли кўкнори ўсимлиги туплари, опийли кўкнори ўсимлиги тупларидаги бошоқларида опий гуруҳига кирувчи фаол гиёҳванд модда-морфин аниқланган.

Судга оид кимёвий экспертизасининг 2025 йил 17 майдаги 1066-сонли хулосасига кўра, [REDACTED]нинг хонадонидан олинган оқ рангли полимер қоп ичидаги 85 дона ўсимлик туплари – танаси, барглари, илдизлари, бошоқлари ва кўсаклардан ташкил топган ҳўл ҳолдаги опийли кўкнори ўсимлиги туплари, опийли кўкнори ўсимлиги тупларидаги бошоқларида опий гуруҳига кирувчи фаол гиёҳванд модда-морфин аниқланган.

Адвокат Ш.Холмуродов кассация шикоятда, химоясидаги судланган [REDACTED]нинг айбига тўлиқ иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, содир этган жинояти оқибатларини англаб етганлиги ва шизига тегишли хулоса чиқариб олганлиги, оилада ягона боқувчи эканлиги, муқаддам



судланмаганлиги, шунга қарамасдан унга нисбатан оғир жазо тайинланганлиги ҳақида важлар келтириб, [REDACTED] га ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати судьяси У.Мамадалиевнинг маърузасини, прокурор Б.Тўлқиновнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантirmасдан қолдириш ҳақидаги, адвокат Ш.Холмуродов ва жамоат ҳимоячиси О.Усмоновларнинг берилган шикоятни қаноатлантириб, суд ҳукмининг жазо тайинлашга оид қисмини ўзгартириб, судланувчига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш ҳақидаги фикрларини тинглаб, жиноят иши материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, берилган шикоятни қаноатлантириб, суд ҳукмининг [REDACTED] га жазо тайинлашга оид қисмини ўзгартиришни лозим деб топди.

Биринчи инстанция суди ишнинг барча тафсилотларини тўғри аниқлаб, [REDACTED] нинг тақиқланган экинларни, яъни кўкнор ёки мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ва етиштиришда ифодаланган ҳаракатини ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан квалификация қилиш ҳақида асосли хулосага келган.

Судланувчи [REDACTED] нинг айби, ўзининг айбловга тўлиқ иқроор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, гувоҳлар Дж.Тошбоев ва Ю.Раджабовнинг кўрсатувлари, ҳодиса жойини кўздан кечириш ва нарсани олиш баённомаси, судга оид кимёвий экспертиза хулосалари, ашёвий далил деб эътироф этиш қарори, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадваллар ҳамда жиноят иши бўйича тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ ўз исботини топган.

Жиноят кодексининг 7-моддасига кўра, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги, 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги, 54-моддасида, жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахс жазога тортилиши, суд ушбу Кодекс Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлаши, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши кўрсатилган.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, 4-бандида, қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шартлиги, объектив омилларга, хусусан, айбдорнинг ёши, жинси, ҳомиладорлик ҳолати, ижтимоий омилларга — судланганлиги, оиладаги, жамиятдаги ҳулқ-атвори, машғулоти, давлат ёки ижтимоий мавқеи ва ҳ.к. лар кириши, 5-бандида, судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари кераклиги, қонун нормаси санкциясида альтернатив жазолар мавжуд бўлганда ҳукмда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазони қўллаш зарурлиги тўғрисидаги масала муҳокама этилиши шартлиги тўғрисида тушунтиришлар берилган.

Бироқ, биринчи инстанция суди [REDACTED] га жазо тайинлашда қайд этилган қонун талаблари ва Олий суд Пленум қарори тушунтиришларига етарлича риоя қилмаган.

Хусусан, суд [REDACTED] га жазо тайинлашда, унга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо қўлланилиши имконияти йўқлиги сабабларини ўз ҳукмида асослантормаган ва судланувчининг шахси, муқаддам судланмаганлиги, айбига тўлиқ иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилавий аҳволи, оилада ягона боқувчи бўлиб, қарамоғида уч нафар фарзандлари борлиги, яшаш жойидан ижобий тавсифланиши ва содир этилган жиноят ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киришини ҳисобга олмасдан унга тури жиҳатдан оғир бўлган, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаган.

Бундай ҳолда, судланган [REDACTED] га тайинланган жазони адолатли деб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 485-моддасида, жазонинг адолатсизлиги, кассация тартибида ҳукми ва ажримни ўзгартириш асосларидан бири эканлиги, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 490-моддасида, жазо жиноятнинг оғирлигига, маҳкумнинг шахсига номувофиқ бўлса ёки жазо Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган доирадан четга чиқмасдан тайинланган бўлса-да, бироқ тури ёки меъёри бўйича ўта енгил ёки ўта оғир бўлса, адолатсиз ҳисобланиши, 495-моддасида, кассация инстанцияси суди суднинг айблов ҳукмини ўзгартириш чоғида жазони енгиллаштиришга ёки маҳкумга нисбатан енгилроқ жиноят тўғрисидаги қонунни қўллашга ҳақли эканлиги, 509⁹-моддасида,



кассация инстанцияси суди жиноят ишени кўриш натижаларига кўра хукмни ўзгартириш ҳақида қарор қабул қилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Олий суд Пленумининг 2024 йил 25 мартдаги “Жиноят ишларини апелляция, кассация тартибида кўриш амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 24-бандида, апелляция, кассация инстанцияси судлари хукмни ўзгартириш учун асослар мавжуд бўлганда жазо миқдорини ўзгартириб, ЖКнинг Махсус қисми моддаси санкцияси доирасида енгилроқ жазо тайинлашга ҳақли эканлиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Шу сабабли судлов ҳайъати, қайд этиб ўтилган Қонун талаблари ҳамда Олий суд Пленум қарорлари билан берилган тушунтиришларга риоя қилиб, берилган шикоятни қаноатлантириб, иш бўйича чиқарилган хукмнинг жазо тайинлашга оид қисмини ўзгартиришни ва судланган [REDACTED]нинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, айбига тўлиқ иқроглиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, “Қўшёғоч” МФЙ раиси томонидан берилган ижобий тавсифнома ва жазони енгиллаштириш ҳақидаги илтимосномани, оилавий аҳволини, оилада ягона боқувчи бўлиб, қарамоғида уч нафар фарзандлари борлигини, у томонидан содир этилган жиноят ўз хусусиятига кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига киришини эътиборга олиб, унга айбли деб топилган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо қўллаш орқали ахлоқан тузатиш мумкин деган қатъий хулосага келиб, [REDACTED]га озодликни чеклаш жазоси тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 481-482, 485, 490, 495, 509⁶⁻⁷, 509⁹⁻¹⁰-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

а ж р и м қ и л д и :

[REDACTED]га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судининг 2025 йил 29 июлдаги хукми ўзгартирилсин.

[REDACTED]га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Қўшёғоч МФЙ, Устозлар кўчаси, 66-уйдан чиқишни чеклашдан иборат 2 йил 6 ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

ЖКнинг 62-моддасига асосан [REDACTED]нинг 2025 йил 29 июль кунидан 2025 йил 30 октябрь кунига қадар қамоқда сақланган 93 куннинг ҳар бир кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб ҳисоблаб, жазонинг 3 ой 3 кунни ўталган деб ҳисоблансин ва ўташ учун 2 йил 2 ой 27 кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Судланган [REDACTED]нинг зиммасига:

- кўнгилочар жойлар (кафе, бар, ресторан ва тунги клублар) га бормаслик; оммавий тадбирлар (байрам сайллари ва намоишлар) да иштирок этмаслик; жазо ижросини назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини



ўзгартирмаслик ва Тошкент вилояти ҳамда Тошкент шаҳри худудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча тақиқлар (чеклашлар) юклатилсин.

Жазони ижро этиш Янгийўл туман ИИБ пробаця бўлинмаси томонидан амалга оширилсин.

Жазони ўташ муддати маҳкум [REDACTED] Янгийўл туман ИИБ пробаця бўлинмасида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

[REDACTED] га жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишини англаб етган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган тақдирда, суд унга нисбатан тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги ҳамда озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

[REDACTED] жазони ижро этиш муассасасидан қамокдан озод қилинсин.

Ҳукмининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Шикоят қаноатлантирилсин.

Суд қарорлари устидан Тошкент вилоят судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

[REDACTED]

[REDACTED]

[REDACTED]

[REDACTED]

